

O'ZBEK VA TURK TILLARI UCHUN ELEKTRON TARJIMON INFOLOGIK MODEL

MADET BAYEVA N.B

magistrant

ABIDOVA SH.B

PhD, v.b.dotsent;

Muhammad al-Xorazmiy

nomidagi TATU

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp132-135>

Annotatsiya: Maqolada ikki til orasida tarjima jarayonini amalga oshirish tizimi, mohiyati yoritilgan. Shuningdek, ikki til elektron tarjimon infologik modeli tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: elektron tarjimon, elektron baza, lingvistika, morfologiya, tuzilma, infologik model.

Кириш

Технология ривожланиб бораётган даврда тилшунослик соҳасини ҳам автоматизация қилиш ва қардош тиллар ўртасида таржималарни автоматик амалга ошириш муҳим вазифалар қаторига киради. Ҳозирги замонда машиналарни ўқитиш орқали улар тилшунослик соҳаларига ҳам кириб келмоқда. Асосий мулоқот воситаси тиллар ҳисобланадиган одамларнинг ҳар хил тилларда мулоқот қилиши маълумот алмашишда тўсқинлик қилиши аниқ. Шунинг учун бундай салбий таъсир кўрсатувчи тўсиқларни электрон таржимонлар ёрдамида енгиб ўтиш мумкин, бунинг учун агглютинатив, яъни бир-бирига структураси бўйича ўхшаш бўлган тилларни семантик модел асосида таржима қилиш асосий ечим ҳисобланади. Ушбу мақола ўзбек-турк тиллари учун электрон таржimon инфологик моделини таҳлил қилишга бағишланган.

Ўзбек олимларидан бири А.Рафиев ўзбек ва турк тилининг қиёсланишини таҳлил қилиб чиққан ва уларнинг муаммолари, тил сатҳлари бўйича таҳлили, туркий тилларнинг фонетикаси ва морфологияси қиёсланишини ўрганган. [1]

И.А.Меметов турк тилидан бошқа тилларга таржима жараёнининг айрим хусусиятлари тўғрисида изланиш олиб борган. У ўз мақолаларида турк ва рус тилларида гап тузилишининг структурасини таҳлил қилган ва, албатта, катта луғат базасига эга бўлиш орқали турк тилидан бошқа бир тилга таржима жараёнларини амалга оширган. [2]

Ш.А.Назирова, К.С.Раҳманов ва А.З.Маҳмудовлар туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ўзбек, турк, қорақалпоқ тилларини таржима қилиш учун электрон луғатни шакллантириш ва маълумотлар базасини ишлаб чиқишда кўпгина изланишлар олиб борган. [3]


Ушбу таҳлиллardan келиб чиққан ҳолда ёритилаётган мақола мақсади таржиманинг муҳим алоқа воситаси эканлиги ва у орқали инсонлар ўз фикрларини ҳар хил тилларда баён қила олишлари учун электрон таржimon-

ларнинг аҳамияти юқорилиги ва, албатта, ўзбек-турк тиллари мисолида база шаклланишининг инфологик моделини кўрсатиб ўтиш.

Биринчидан, ўзбек-турк тилларининг электрон таржимасини шакллантиришда биринчи ўринда луғатлардан ташкил топган базага эга бўлиш лозим (сўзлар, терминлар ва ҳ.к). Иккинчидан, ўзбек ва турк тилларининг грамматикасини билиш даркор, акс ҳолда фақат луғатлар билан шакллантириб бўлмайдиган маъносиз гаплар ҳосил бўлиши мумкин.


Семантик моделга асосланган электрон таржимонлар ишлаш принципи матнларни сўзларга ажратиб олиш орқали амалга оширилади ва сўз-ма-сўз таржималайди. Луғат ёрдамида таржима қилиш жараёни бир нечта босқичларда амалга оширилади: матн сўзларга ажратилади, сўзнинг морфологик қоидаси аниқланади ва ундан ўзак ажратиб олинади, сўз луғат ёрдамида таржима қилинади ва таржима қилинган сўз аниқланган морфологик қоидалар асосида қайта қурилади.

Ўзбек тилида гап бўлаклари гап тузилмасида муайян саволга жавоб бўладиган маълум бир синтактик вазифани бажарувчи сўз ва сўз бирикмаси билан тафсифланади. Гап бўлакларини белгилашда асосий хусусият улар орасидаги синтактик алоқадир. Қуйида гап бўлакларининг инфологик модели келтириб ўтилди:




1-расм. Ўзбек тилида гап бўлакларининг инфологик кўриниши.

Ўзбек ва турк тиллари туркий тиллар оиласига мансуб ва агглютинатив бўлганлиги учун гап тузилиши структураси буйича ўхшаш ва иккаласи ҳам лотин ҳарфларидан фойдаланади. Туркий тилларда аффиксал морфемаларнинг маъно ва вазифаларига кўра турлари ҳам бир-бирига мос келади. Мисол учун, ўзак ва қўшимчаларнинг турлари қатъий тартиб асосида бирикади:



2-расм. Ўзбек тилида сўз ясовчи схема.



3-расм. Турк тилида сўз ясовчи схема.


Юқорида келтирилган сўз яшаш схемасининг математик моделини кўриб чиқамиз:

$$T = \sum_{a=0}^b w_a \oplus \downarrow T = \sum_{c=0}^d y_c \oplus \downarrow T = \sum_{e=0}^f k_e \oplus \downarrow T = \sum_{g=0}^h l_g \oplus \downarrow T = \sum_{p=0}^s t_p$$


Бу ерда T – мураккаб сўз, $\sum_{a=0}^b w_a$ – ҳар бир сўз w тўплам ҳисобланадиган сўз асоси, $\sum_{c=0}^d y_c$ – сўз ясовчи аффикслар, $\sum_{e=0}^f k_e$ – кўплик аффикслари, $\sum_{g=0}^h l_g$ – эгалик аффикслари, $\sum_{p=0}^s t_p$ – келишиқ аффикслари.

Бу ерда a, c, e, g ва p – аффикслар ва сўз узунлиги. Бу ерда $\oplus$ – бирлаштириш амалини, $\downarrow$ – «боғлаш» амалларини билдирувчи белгилар. [4]

Туркий тилларда гап тузиш структураси доим эга+кесим бош бўлаклари орқали ясалади. Энди иккала тилда ҳам содда гап тузилиш схемасига келадиган бўлсак, улар қуйидагича:



4-расм. Ўзбек тилида гап тузилиш схемаси.



5-расм. Турк тилида гап тузилиши схемаси.

Мақолада электрон таржимон ишлаш жараёнлари ўрганилди. Ўзбек ва турк тилининг лингвистик таҳлили кўриб чиқилди. Ульман Чен усули асосида ўзбек тили грамматикаси гап бўлакларининг инфологик модели ишлаб чиқилди.

Хулоса қилиб айтганда, агглютинатив тиллар орасида бир тилдан иккинчи тилга таржима жараёнини амалга оширишда, биринчи навбатда, морфоло-

гик таҳлилни ишлаб чиқиш ва кейин эса графематик таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдурозиқ Рафиев. Туркий тилларнинг қиёсий-тарихий грамматикаси. Ўқув қўлланмаси. Тошкент-2004й.
2. Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского Серия «Филология. Социальные коммуникации». Том 23 (62). № 3. 2010 г. С. 208-214.
3. Назиров Ш.А., Рахманов Қ.С., Махмудов А.З. Икки тилли электрон таржима дастурининг маълумотлар базаси структураси // Ахборот технологиялари ва телеком-муникация муаммолари. Республика илмий-техник конференцияси. Тошкент 14-15 март 2013 й. 131-133 б.
4. Абидова Ш.Б Электрон таржимон яратишда ўзбек тилининг морфологик таҳлилини амалга оширишнинг инфологик модели. Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари. №3 (13), сентябр 2020.